

**Маъсулияти чекланган жамият
шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик
ташкилоги**

Манзил: Каткадарё Вилояти, Қарши шаҳри, 730000, Насаф кучаси, 19-уй. Тел +99891-453-79-14. (8-375) 227-82.
Банк: Кишлоқ қурилиш Қарши ш., МФО 00155, Х/р.20208000604347269001 СТИР:205192434, ОКОНХ 84400.
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2009 йил 15 октябр
кунидаги №-00614-сонли лицензиясига эга.

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Мен Ботиров Абдулло Абдурахмонович маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 30-декабрдаги № 4677 сонли малака сертификатига эга) томонидан хўжалик юритувчи субъект «Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг (СТИР 201284740) 2016 йил ҳисобот даври учун 2016 йилнинг 31-декабр ҳолатидаги Бухгалтерия баланси I-шакл, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-шаклларидаги иборат молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз «Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиҳатиди бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини таплаш бизнинг мулоҳазамаизининг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний аке эътиради.

МЧЖ шаклидаги «HOMBUR-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти бошқариши:

Аудитори:

29-апрел 2017 йил



Ш. Жовлиев.

А. Ботиров